



## КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ – САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИДИР

*Йўлдашова Гавҳар Хуснитдиновна*

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*Корпоратив бошқарув кафедраси*

*ассистенти*

**doi:** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol25\\_iss2/a11](https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss2/a11)

**Аннотация.** Компаниянинг иқтисодий манбаатларини амалга ошириш доирасида корпоратив бошқарув сифатини баҳолашда юқоридаги омиллардан қайси бири устунлигини тушуниш айниқса муҳимдир.

**Калим сўзлар:** компания, корпоратив бошқарув, бошқарув сифати, корпоратив бошқарув тамойиллари, акциядорлар, иқтисодий фаолият, саноат корхоналари, ички омиллар, ташқи омиллар.

### ОЦЕНКА КАЧЕСТВА КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ – КРИТЕРИЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ

*Юлдашова Гавҳар Хуснитдиновна*

*Ассистент кафедры корпоративного управления*

*Ташкентского государственного экономического университета*

**Аннотация.** В рамках реализации экономических интересов компании важно понимать, какой из вышеперечисленных факторов является преимуществом в оценке качества корпоративного управления.

**Ключевые слова:** компании, корпоративное управление, качество управления, принципы корпоративного управления, акционеры, экономическая деятельность, промышленные предприятия, внутренние факторы, внешние факторы.

### ASSESSMENT OF THE QUALITY OF CORPORATE GOVERNANCE – A CRITERION OF EFFICIENCY

*Yuldasheva Gavhar Khusnitdinovna*

*Assistant of the Department of Corporate Management*

*Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** As part of the realization of the company's economic interests, it is important to understand which of the above factors is an advantage in assessing the quality of corporate governance

**Keywords:** companies, corporate governance, quality of governance, principles of corporate governance, shareholders, economic activities, industrial enterprises, internal factors, external factors.

**Кириш.** Бошқарув сифати ҳар қандай миқёсдаги ва фаолият туридаги компанияларнинг узоқ муддатли рақобатбардошлигини белгилайди. Корхоналар бошқарув сифати унинг узоқ муддатли иқтисодий фаолиятини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Бошқарув сифати мулк эгалари ва раҳбарлари учун жавобгарлик соҳаси ҳисобланади. Баъзи ҳолларда бу вазифа стратегия, бизнес жараёнларини оптималлаштириш ёки ташкилий ривожланиш билан боғлиқ бўлинмаларга топширилади. Бошқарув сифатини баҳолаш, шунингдек, мутахассислар, маслаҳатчилар, шунингдек, менежмент соҳасида ривожланиш режалари бўлган компаниянинг баъзи ходимлари томонидан амалга оширилади.

Корпоратив бошқарув тизимининг сифати, асосан, тизим элементлари томонидан бажариладиган функциялар билан белгиланади. Бошқарув тизимининг сифати унинг берилган функцияларни бажариш қобилияти орқали ифодаланади. Бу ҳолда сифатни баҳолаш мезони бошқарув тизимининг функционал жиҳати билан белгиланади. Корпоратив бошқарув фаолияти сифатини бир неча жиҳатдан, хусусан, бошқарув иши, ходимлар, бошқарув ресурслари ва салоҳияти, бошқарув жараёни, бошқарув тизимлари орқали кўриб чиқиш мумкин.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Хозирги пайтда самарали корпоратив бошқарув борасида ҳам турлича қарашлар шаклланган. Хусусан, “самарали корпоратив бошқарув

механизмининг моҳияти корпорация ва унинг манфаатдор томонлари ўртасидаги ишончли муносабатларнинг йўлга қўйилишини таъминлашда намоён бўлади” [1].

Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) 1999 йилда ишлаб чиқкан, кейинчалик 2004 йилда янги таҳрирда тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тамойиллари” хужжати корпоратив бошқарув бўйича ягона жаҳон стандарти сифатида эътироф этилиб, унда корпоратив бошқарув қўйидагича тавсифланган: “Корпоратив бошқарув иқтисодий самарадорлик ва ўсишнинг ҳамда инвесторлар ишончини кучайтиришнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Корпоратив бошқарув ўз ичига компания раҳбарияти, директорлар кенгаши ва акциядорлари ҳамда бошқа манфаатдор шахслари ўртасидаги муносабатлар мажмуини олади. Яхши корпоратив бошқарув компания директорлар кенгаши ва раҳбариятига компания ҳамда акциядорлар манфаатларига жавоб берадиган мақсадларни кўзлашлари учун зарур рағбатлантириш воситаларини таъминлаб бериши ҳамда самарали назоратни олиб боришига кўмаклашиши лозим [2].

Иқтисодий адабиётларда корпоратив бошқарув акциядорлик жамияти фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини замонавийлаштириш, корхоналарни интеграциялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш мақсадида акциядорлик жамиятлари ижроия органи, кузатув кенгаши, акциядорлар, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, жумладан, кредиторлар ўртасида мазкур шахслар хукуқ ва манфаатларининг уйғунилиги сифатида тушунилади [3].

Америкалик олимлар Jean-Michel Sahut, Marta Peris-Ortiz & Frédéric Teulon шундай назарияни ишлаб чиқишиганки, унда улар қандай қилиб корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи механизmlари инновацияларга таъсир этишини кўрсатишган. Улар ташқи корпоратив бошқарув механизmlари (корпоратив назорат бозори) ички корпоратив бошқарув механизmlари (менежерлик шартномалари) билан ўзаро боғлиқ ҳолда компанияда менежерлар томонидан инновацияларни ишлаб чиқиши даражасига таъсир этишини исботлашган [4].

Ўтган асрнинг 20-йилларида АҚШда Т.Веблен, Австрияда Р.Гильфердинг ва Германияда В.Ратенау корпорацияларда илмий тад-

қиқотлар олиб борган. Кейинчалик 1930 йиллар бошида А.Берли ва Г.Минз ўз тадқиқотлари асосида фаолияти даромад олишга ва ўз иштирокчилари учун бошқа фойда келтиришга қаратилган ташкилотлар ичida корпорациялар ҳақиқатда давлат иқтисодий ҳаётининг координаторлари ролини бажаришга ва мулкни бошқаришга киришганлар, Уларнинг фикрича, корпорациянинг нафақат ташқи муҳити, балки уларнинг ички акциядорлик моҳияти ўзгариб қолди. Корпорацияни бошқаришга таъсир этолмайдиган акциядорлар ҳақиқатда оддий омонатчиларга айланиб қолиши, бошқариш функциялари эса корпорациянинг ёлланма ижрочи органларига ўтди [5].

Корпоратив бошқарувнинг халқаро тан олинган тамойиллари мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда унга амал қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, истиқболда республикамиз иқтисодиётida корпоратив ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида миллий иқтисодиётимиз мустаҳкамланиши ва рақобатбардошлиги ошишига олиб келади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг миллий модели шакланиш босқичида турибди [6].

**Тадқиқот методологияси.** Корпоратив бошқарув сифатини ошириш бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, тариф ва нарх шаклланишини қиёсий солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, маълумотни гурухлаш усулларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Корпоратив бошқарувнинг халқаро тан олинган тамойиллари мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда унга амал қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу, ўз навбатида, истиқболда республикамиз иқтисодиётida корпоратив ташкилотлар фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш асосида миллий иқтисодиётимизнинг мустаҳкамланиши ва рақобатбардошлигининг ошишига олиб келади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда корпоратив бошқарувнинг миллий модели шакланиш босқичида турибди. “Ўзқимёсаноат” АЖ ҳамда акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасига киравчи кимё саноати корхоналарининг корпоратив бошқарув тизими сифатига таъсир этувчи омиллар бўлиб ишлаб чиқариш

сарф-харажатларини камайтириш ва таннархини пасайтириш ҳамда энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ этиш ҳисобланади.

Корпоратив бошқарувнинг асосий мақсадларидан бири барча манфаатдор томонлар билан адолатли муносабат ўрнатишdir [7].

### “ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ

Ишлаб чиқариш корхонаси

Юкларни ташиш ва етказиб бериш

Илмий тадқиқот корхоналари

Савдо корхоналари

«Кимётранс» МЧЖ, «Кимётранс-логистик» МЧЖ

“Ҳамкор-Кимёсервис” мчж

«Ўзкимёсаноат-лойиҳа» АЖ лойиҳалаш институти; Тошкент кимё технология илмий-тадқиқот институти (ТКТИИ)

«Навоийазот» АЖ; «МАХАМ-Chirchiq» АЖ; «Фаргонаазот» АЖ; «Аммофос-Максам» АЖ; «Деҳқонобод қалий заводи» АЖ; «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚҚ; «Биринчи резинотехника заводи» МЧЖ

### 1-расм. «Ўзкимёсаноат» АЖнинг таркибидағи корхоналар [8]

Компанияда корпоратив бошқарув тизими сифатини ошириш масалалари қўйидагилар:

- акциядорларнинг умумий йиғилишини ташкил этиш тартиби;
- асосий қарорлар устидан назоратни кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши орқали амалга оширишнинг давомийлигини йўлга қўйиш;
- ижро этувчи орган фаолияти шаффоғлигини таъминлаш ва шу орқали ахборотнинг ошкоралигини таъминлаш [9-20-б].

Хусусан, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув сифатини яхшилашнинг энг яхши жаҳон стандартларини акс эттириш ҳисобот стандартлари, дивиденд сиёсати, ахборотни ошкор қилиш ва бошқарувнинг юқори даражасига эришишни таъминлайди. Ўзбекистонда мунтазам иқтисодий ўсишни режалаштириш чора-тадбирлари ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган инвестицияларни жалб қилишга йўналтирилган корпоратив бошқарувга устуворлик беради [9-33-б].

Корпоратив бошқарув мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилаб берадиган асосий тузилма ҳисобланиб, ҳозирда иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда такомиллашиб бормоқда. Чунки давлатнинг корпоратив секторини илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш

орқали ривожлантириш компаниялардан халқаро стандартларга мос даражадаги корпоратив бошқарувни талаб қиласди [10].

Бошқарувнинг самарадорлиги ташкилотнинг ташқи муҳит томонидан шакллантириладиган чекловларга мувофиқлиги даражасини баҳолайди. Қўйидаги жадвалда эса ушбу омилларни қўйидагича келтириш мумкин.

Жадвал маълумотларида кўринадики, ташқи омиллар – сиёсий, ресурс, молиявий-иқтисодий, экологик, ижтимоий-демографик, инновацион омиллар компания бошқарувига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади. Ташқи таъсир омиллари мураккаблик, ҳаракатчанлик ва ноаниқлик билан тавсифланади. Ўз навбатида, компаниялар ташқи муҳитга таъсир қила олмайди, улар унга мослашиши, кузатиши, прогноз қилиши ва жавоб бериши керак. Бунинг учун компания доимий равишида ички муҳитига ўзгартиришлар киритиши, айрим ҳолларда ўзгартиришларга қарши туриши керак бўлади.

Корпоратив бошқарув сифатини баҳолаш асосларида кўрсатилган жиҳат ва шартларнинг корпоратив ишлаб чиқаришда қўлланилиши ва амалиётда фойдаланиши пировард натижада самарадорликни оширади [11], корхонанинг барча бошқарув тузилмаларининг иш фаолиятини яхшилайди.

**Компаниялар бошқариш сифатини баҳолашга таъсир қилувчи омиллар**

№	Омиллар	Турлари
1.	Ички	<ul style="list-style-type: none"> <li>- иқтисодий;</li> <li>- ташкилий;</li> <li>- ишлаб чиқарыш;</li> <li>- техник ва технологик;</li> <li>- кадрлар;</li> <li>- ижтимоий;</li> <li>- маркетинг</li> </ul>
2.	Ташқи	<ul style="list-style-type: none"> <li>- сиёсий;</li> <li>- ресурсли;</li> <li>- молиявий-иктисодий;</li> <li>- экологик;</li> <li>- ижтимоий-демографик;</li> <li>- инновацион</li> </ul>

**Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Корпоратив бошқарув жараёнларининг сифати компаниянинг асосий мақсадига яқинлашиш ўлчови билан тавсифланади. Фаолият тизимларининг ривожланиши, одатда, якуният натижаларга қаратилган, шунинг учун мақсадлар ушбу натижаларга мувофиқ шакллантирилади ва ўзаро боғлиқдир. Бошқариш тизимининг функционал даражаси объектнинг сифат хусусиятларини акс эттирадиган ўзаро боғлиқликдаги маълум бир натижага (самарага) эришишни англатади.

**Хуласа ва таклифлар.** Компаниялар бошқарув сифати унинг узоқ муддатли иқтисодий фаолиятини муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради. Бошқарув тизими-

нинг сифати, асосан, тизим элементлари томонидан бажариладиган функциялар билан белгиланади. Бошқарув фаолияти сифатини бир неча жиҳатдан, хусусан, бошқарув иши, ходимлар, бошқарув ресурслари ва салоҳияти, бошқарув жараёни, бошқарув тизимлари орқали кўриб чиқиши мумкин.

“Ўзқимёсаноат” АЖ ҳамда акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасига кирувчи кимё саноати компанияларининг корпоратив бошқарув тизими сифатига таъсир этувчи омиллар бўлиб ишлаб чиқариш сарф-харажатларини камайтириш ва таннархини пасайтириш ҳамда энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ этиш ҳисобланади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. *The International Finance Corporation & the U.S. Department of Commerce, The Russia Corporate Governance Manual, 2009 p. 13.*
2. *Organization of Economic Cooperation and Development. OECD Principles of Corporate Governance. – Paris:OECD, 1999 (revised in 2004).*
3. Мадиёров Т.К. Дехқончилик-саноат мажмууда ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар тизими ва корпоратив бошқарувни жорий этиш хусусиятлари: иқт. фан. док. ... дис. иши. – Т., 1993 йил.
4. Быков А.М. Формирование механизмов управления корпоративными образованиями с использованием современных информационных управления. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Росс. Гос. Соц. Ун. – М., 2006. Стр. 5.
5. Jean-Michel Sahut, Marta Peris-Ortiz & Frédéric Teulon. *Corporate social responsibility and governance. Journal of Management and Governance Published: 26 June. 2019. – 917 p. doi: 10.1007/s10997-019-09472-2*
6. Суюнов Д.Х, Хошимов Э.А. Корпоратив бошқарув моделлари: концептуал жиҳатлар, замонавий тенденциялар ва конвергенция имкониятлари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий-электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2017 йил. 7-бет.
7. Суюнов Д.Х, Турсунов Б.Р. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самадорлигини ошириш. *Central Asian Academic journal ISSN: 2181-2489 of SCIENTIFIC RESEARCH VOLUME 2. ISSUE 2. 2022.*
8. <https://uzkimyosanoat.uz/uz/company/department> сайти маълумотлари.
9. Йўлдашова Г.Х. Компанияларда корпоратив бошқарув сифатини ошириш. 08.00.13-“Менежмент” ихтисослиги. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2023.
10. Махкамова М.А. Акционерлик корхоналарида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш. “Корпоратив бошқарув: назария ва амалиёт” Илмий мақолалар тўплами (республика илмий семинари материяллари). 2019 йил 23 январь. 36-бет.
11. Ашурев З.А. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизмини такомиллаштириш. 08.00.13-“Менежмент” ихтисослиги бўйича PhD илмий даражасини олиш учун диссертацияси. ТДИУ. – Т., 2019. 64-89-б.